

**Юк автотранспортида юкни ташиш учун  
№11105-сонли хизмат кўрсатиш шартномаси.**

**Жиззах шаҳри**

**2022 йил 18 март**

“EXTRA TRANS PLUS” МЧЖ номидан (кейинги ўринларда юк ташувчи деб юритилади) Низом асосида иш юритувчи жамият раҳбари Б.Я.Кушбаков бир томондан ва вилоят халқ таълими бошқармаси иккинчи томондан (кейинги ўринларда юк жўнатувчи) ўз Низоми асосида иш юритувчи бошқарма бошлиғи бошлиғи Д.Садриддинова мазкур шартнома бўйича қўйидагилар ҳақида туздилар:

**1. Шартноманинг предмети.**

- 1.1. Юк ташувчи “Юк жўнатувчи” томонидан ўзига ишониб топширилган, мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган юкни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган белгиланган манзилга етказиб бериш ва уни мазкур шартноманинг 1-иловада кўрсатилган олишга ваколат берилган умумтаълим муассасанинг масъул шахсига топшириш, “Юк жўнатувчи” эса юкни ташиб берганлик учун мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган хақни тўлаш мажбуриятини олади.
- 1.2. Мазкур шартномада юк деганда қўйидагилар тушинилади:  
-Кўмир ва кўмир брикет ёқилгиси кейинги ўринларда “Юк” деб юритилади. Юкнинг умумий оғирлиги 2900 тоннани ташкил этади.
- 1.3. Шартноманинг қиймати ҚҚС билан 151 741 304,00 (Бир юз эллик бир миллион етти юз кирк бир минг уч юз тўрт сўм 00 тийин) сўмни ташкил этади.
- 1.4. Мазкур шартнома бўйича белгиланган манзил ва нархлари 1-иловада кўрсатилади.

**2. Тарафларнииг мажбуриятлари.**

**Юк ташувчи қўйидагиларни бажариши шарт:**

- 2.1.1. Юк ташишни амалга ошириш учун транспорт воситаларининг миқдори ва уларнинг турларини белгилаш ва юкларни ташишни Ўзбекистон Республика Вазирлар Махкамасининг 01.08.2014 йилдаги 213-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида юкларни ташиш қоидалари”да белгиланган қоидалар асосида ташкил этиш.
- 2.1.2. Юкларни ташишга яроқли ва санитар талабларга жавоб берувчи соз автомашиналарни 2022 йил 18 мартаңдан кечиктирмай кўмир ташишга тайёр қилиб қўйиш.
- 2.1.3. Юкни белгиланган муддатларда тегишли манзилга мулкка зарар етказмаган ҳолда ва юк хатида кўрсатилган ҳажмда тўлиқ етказиш ва уни масъул ходимга топшириш.

**Юк жўнатувчи қўйидагиларни бажариш шарт:**

- 2.1.4 Транспорт воситалари топшириш жойига етиб келгунга қадар юкни ташишга тайёрлаб қўйиш (ташишга оид хужжатлар, юклаш ва тушириш жойига ўтиш хукуқини берувчи хужжат (пропуск) ва бошқаларни тайёрлаш).
- 2.1.5. Юкни ортища олдин транспорт воситаларини юк ташишга яроқли эканлигини текшириш. Ҳайдовчи ушбу юкни ташиш учун зарур бўлган барча хужжатлар билан таъминлаш.
- 2.1.6. “Юк ташувчи” томонидан ташилган юкларнинг товар транспорт юк хатларини халқ таълими бошқармасининг масъул ходими билан биргаликда тўлиқ тўлдириб имзолар қўйилган нусхасини хамда умумий реестрни бажарилган ишга қараб тақдим килинади. Ортиш ва тушириш пунктларига автомобилларнинг келиш ва кетишнинг ҳақиқий вақтини белгилаб бориш.

**3. Шартнома суммаси ва ҳисоб-китоблар.**

- 3.1. Юк жўнатувчи шартномада кўрсатилган умумий суммасида 30 фоизини олдиндан тўлов (аванс) сифатида тўлаб бериш мажбуриятини олади. Қолган 70% тўловлар “Юк ташувчи” томонидан тақдим қилинган счёт-фактуралар асосида амалга оширилади.

Юк ташишлар учун ҳисоб-китоблар шартноманинг 1-иловасига асосан амалга оширилади.

- 3.2. Юк ташувчи ва Юк жўнатувчи ўртасида ҳисоб-китоблар тўлов топширикномаси орқали пул ўтказиш йули билан амалга оширилади. Товар-транспорт хужжати ўлчов далолатномаси ёки тарози тортиб кўриш, йул варагаси ҳисобланиш учун асос бўлади.

- 3.3. “Юк ташувчи” 1-иловада кўрсатилган хизматлари учун ташиш автомобилларида ўзгариш бўлган тақдирда “Юк жўнатувчи”га зудлик билан ёзма равища мурожаат қилиши шарт. Бу бўйича икки томон қонун доирасида тегишли келишув битимлари тузиш имконини беради.

**4. Тарафларнинг жавобгарлиги.**

- 4.1. Мазкур шартноманинг -бандида кўрсатилган юк ташиш муддатини бузганлиги учун юк ташувчи юк жўнатувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.
- 4.2. Кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун юк жўнатувчи юк ташувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов-суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.
- 4.3. Тарафларнинг мазкур шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.
- 4.4. Молиялаштирувчи органлар томонидан маблағ ўз вақтида молиялаштирилмаган тақдирда «Юк жўнатувчи» тўлов учун мажбуриятни зиммасига олмайди.

4.5. Шартноманинг 4-булими доимий бузилганлиги учун “Юк ташувчи” 10 кун олдин ёзма равища огохлантириб, юк ташишни тўхтатишга хакли.

#### 5. Низони ҳал қилиш тартиби.

5.1. Шартномани бажариш даврида ўзаро низолар пайдо бўлса томонлар келишуви орқали ҳал килинади. Агар тортишувларни келишув йўли билан ҳал қилиниб бўлмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси Конунлари асосида Жиззах туманлараро иқтисодий суди орқали ҳал қилинади.

#### 6. Форс-мажор ҳолатлари

6.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлик бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (фукаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, зилзила, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий оғатлар шулар жумласидандир)

6.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

#### 7. Бошқа шартлар.

- 7.1. Мазкур шартнома вилоят фазначилик органидан рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 31 декабрь 2022 йилгача амал қиласди.
- 7.2. Шартнома 2 (икки) асл нусхада тузилади ва томонларнинг хар бирига бир нусхадан берилади.

#### 8. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари.

##### Юк жўнатувчи:

Жиззах вилояти халк таълими бошкармаси  
**СТИР-200342756**  
ОКОНХ -97400  
Жиззах шахри Ш.Рашидов куча 63  
Телефон/факс 226-04-33, 226-07-57  
**Хисоб-китоб хисоб-вараги:**  
ш/x\*100021860084017092100075005  
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги  
Фазначилиги Марказий банк ББ ХКМ  
Тошкент шахри x/p: 23402000300100001010,  
ИНН 201122919,  
**МФО-00014**

##### Юк ташувчи:

**“EXTRA TRANS PLUS” МЧЖ**  
**СТИР-303058272**  
ОКОНХ -84200  
Жиззах шахри Саноат мавзеси-А  
Телефон/факс 221-02-01  
**X/p: 20208000800392678001**  
Жиззах шахар Турон банки  
МФО-00982.

#### 11. Томонларнинг имзолари ва муҳрлари


##### “Юк жўнатувчи”:

Д.Р. Садриддинова



##### Юк ташувчи:

Б.Я. Кўшбақов



##### Бошқарманинг бўш юрисконсульти хulosasi:

##### ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА:

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқукий базаси тўғрисида”ги Конуннинг 21-моддаси талаблари асосида тузилган. Экспертиза хulosаси шартнома шартларининг мослиги ва унда тарафларнинг жавобгарлиги ҳамда низоларнинг ҳал этилиши тартиби амалдаги конунчилик талабларига мослигини беради.

Хуқукий экспертиза натижасига кўра қуидагилар аникланди:

1. Шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари талабларига мувофиқ тузилган. Тақдим этилаётган юк ташаш шартномаси шартлари қонунчилик талабларига жавоб беради. Шартнома бўйича юзага келган ҳар қандай холат Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 631-655, 686-692-моддалари ҳамда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқукий базаси тўғрисида”ги Конуннинг 10,11-моддалари билан тартибга солинади.

2. Шартнома бўйича тарафларнинг ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида юзага келадиган жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқукий базаси тўғрисида”ги Конуннинг 24-34, 36-моддалари талабларига мос келади.

Юригей

Омирзаков

З. Комиков

18.03.2022 йилдаги  
1-сонли хизмат күрсатиши  
шартномасыга илова

№	Туманлар номи	Үлчов бирлиги	тн/км	тн/км нарахи	Жами сүммаси
	Жами		126 874,00	1196	151 741 304,00

"Келишилди"

Жиззах вилояты халқ таълими  
бошкармаси бошлиги

 Д.Садриддинова

"Келишилди"

"EXTRA TRANS PLUS" МЧЖ  
директори

 Б.Я.Кушбаков





YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZISH TO'G'RISIDA

# GUVOHNOMA

Reestr № 5933

Guvohnoma № 5700

2014 yil « 25 » sentyabr

Mazkur guvohnoma Jizzax shahar hokimligi huzuridagi tadbirkorlik sub'yeqtalarini  
ro'yxatdan o'tkazish inspeksiysi tomonidan yuridik shaxs

"EXTRA TRANS PLUS" mas'uliyati cheklangan jamiyati

ga berildi.

Tashkiliy-huquqiy shakli: \_\_\_\_\_

THSHT(ОПФ)

1152

Mulkchilik shakli: \_\_\_\_\_

MSHT (ФС)

142

Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili: \_\_\_\_\_

MHBT (COATO)

1708401

Yuridik shaxs kodi: \_\_\_\_\_

КТУТ (ОКПО)

25283128

Asosiy faoliyat turi: \_\_\_\_\_

XXTUT (ОКОНХ)

84200

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami:

STIR (ИИН)

303 058 272

Qo'shimcha ma'lumotlar: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_



Vakolatli organ boshlig'i: \_\_\_\_\_



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

LITSENZIYA  
ЛИЦЕНЗИЯ  
LICENCE

Seriyasi:  
Серия:  
Serial:

AT № 0046342

Faoliyat turi: \_\_\_\_\_ Yutklarni avtomobil transportida shaharda va shahar atrofida tashish  
Вид деятельности: \_\_\_\_\_  
Type of activity: \_\_\_\_\_

Litsenziya egasi: "EXTRA TRANS PLUS" МЧХ  
Владелец лицензии: \_\_\_\_\_  
Licence owner: \_\_\_\_\_

Pochta manzili: Jizzah shahar, Buningdikor maxallasi A-Saneat  
Почтовый адрес: hududi  
Postal address: \_\_\_\_\_

Bank rekvizitlari va STIR: X/r 2020900009392673001 MFG 30982 STIR 303058272  
Банковские реквизиты и ИИН: Жizzax sh., GUL'YAQIN banki Jizzax filiali  
Bank references and TIN: АХТУН 84329

Berilgan sanasi: 30 aprel 2018 yil  
Дата выдачи: \_\_\_\_\_  
Date of issue: \_\_\_\_\_

Litsenziyaning amal qilish muddati: 30 aprel 2018 yil dan 29 aprel 2023 yil gacha  
Срок действия лицензии: с \_\_\_\_\_ по \_\_\_\_\_  
This licence valid: from \_\_\_\_\_ till \_\_\_\_\_

Litsenziya beruvchi organ: O'zbekiston avtomobil transporti agentligi  
Орган выдавший лицензию: Jizzax viloyati boshqarmasi  
Licence issued authority: \_\_\_\_\_

Quyidagi hujjatga asosan berilgan: Agentlik Jizzax viloyat boshqarmasining avtotransport sohasida  
Выдана на основании: shahorda, shaher ibobida va shahar farzore tashish faoliyatini litsenziyalash  
Issued on the basis of: bo'yicha komissiyasining 30 aprel 2018 yildagi 15-sonli majlis bayoni

Litsenziya reyestrda 25/463-2-sonli raqam bilan qayd etildi  
Лицензия зарегистрирована в реестре за № \_\_\_\_\_  
The licence is registered in Register Board under № \_\_\_\_\_

O'zbekiston avtomobil transporti  
agentligi Jizzax viloyati boshqarmasi boshlig'i

I. Boqiyev



Vakolatli shaxsning imzosi  
Подпись уполномоченного лица  
Signature of official

F.I.SH.  
Ф.И.О.  
N.S.

(litsenziyaning ksero nusxasi bilan faoliyat ko'rsatish man etiladi)  
(осуществлять деятельность с использованием ксерокопии лицензии запрещается)  
(the implementation of activity with licence copy is prohibited)